



PREZIDENT, IJOD VA  
IXTISOSLASHTIRILGAN  
MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI



**ABDULLA QODIRIY TAVALLUDINING 127 YILLIGI**

**127TH ANNIVERSARY OF ABDULLA KADIRI**

**127-ЛЕТИЕ АБДУЛЛЫ КАДИРИ**

**“ABDULLA QODIRIY IJODIY MEROSINING O‘ZBEK VA JAHON  
ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI”  
ABDULLA QODIRIY TAVALLUDINING 127 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN  
XALQARO ILMIY-METODIK ANJUMAN**

## **MATERIALLARI**

**"THE ROLE OF ABDULLA KADIRI'S CREATIVE HERITAGE IN THE  
DEVELOPMENT OF UZBEK AND WORLD LITERARY-AESTHETIC THINKING"  
THE MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-METHODOLOGIC  
CONFERENCE DEVOTED TO THE 127TH ANNIVERSARY OF ABDULLA KADIRI**

**«РОЛЬ ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АБДУЛЛЫ КАДИРИ В РАЗВИТИИ  
УЗБЕКСКОГО И МИРОВОГО ЛИТЕРАТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ»  
МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ, ПОСВЯЩЕННОЙ 127-ЛЕТИЮ АБДУЛЛЫ КАДИРИ**

**Uzbekistan  
Tashkent  
15.04.2021.**



PREZIDENT, IJOD VA  
IXTISOSLASHTIRILGAN  
MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI



**“ABDULLA QODIRIY IJODIY MEROSINING O‘ZBEK  
VA JAHON  
ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI  
TARAQQIYOTIDAGI O‘RNI”**

**ABDULLA QODIRIY TAVALLUDINING 127 YILLIGIGA BAG‘ISHLANGAN  
XALQARO ILMIY-METODIK ANJUMAN**

**M A T E R I A L L A R I**

**O‘zbekiston, Toshkent, 2021-yil 15-aprel**

**"THE ROLE OF ABDULLA KADIRI'S CREATIVE HERITAGE IN THE  
DEVELOPMENT OF UZBEK AND WORLD LITERARY-AESTHETIC THINKING"  
THE MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-METHODOLOGIC  
CONFERENCE DEVOTED TO THE 127TH ANNIVERSARY OF ABDULLA KADIRI**

**«РОЛЬ ТВОРЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ АБДУЛЛЫ КАДИРИ В РАЗВИТИИ  
УЗБЕКСКОГО И МИРОВОГО ЛИТЕРАТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ»  
МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,  
ПОСВЯЩЕННОЙ 127-ЛЕТИЮ АБДУЛЛЫ КАДИРИ**

**Uzbekistan  
Tashkent  
15.04.2021.**

**MAS'UL MUHARRIR**

**N. Yuldasheva,**

**pedagogika fanlari nomzodi, dotsent**

**TAHRIR HAY'ATI:**

**R. Niyozmetova**

**R. Jumaniyozov**

**H. Hamroyeva**

**J. Nurmuhammadov**

**USHBU TO'PLAMDA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI PREZIDENT, IJOD VA IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTABLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI TASARRUFIDAGI TOSHKENT SHAHAR ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI IJOD MAKTABI TASHABBUSI BILAN O'TKAZILGAN "ABDULLA QODIRIY IJODIY MEROSINING O'ZBEK VA JAHON ADABIY-ESTETIK TAFAKKURI TARAQQIYOTIDAGI O'RNI" MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-METODIK ANJUMANGA YUBORILGAN MAQOLA VA TEZISLAR JAMLANGAN.**

**MAQOLA VA TEZISLARDA KELITIRILGAN MA'LUMOTLARGA MUALLIFLAR MAS'ULDIRLAR.**

© *Abdulla Qodiriy nomidagi ijod maktabi*

## БАДИЙ АСАР ҚАҲРАМОНЛАРИНИ ТАНҚИДИЙ БАҲОЛАШГА ЎРГАТИШДА ҚОДИРИЙ ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Роза Ниёзметова, пед.ф.д.,проф.  
Анажон Болтаева, ТТУМІ (PhD)

Адабий таълим жараёнида бадий асарлар қаҳрамонлари шахсига танқидий баҳо бериш кўникмаси асарни ўқиш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда уларнинг характер хусусиятларини ўрганиш жараёнида аста-секинлик билан шаклланиб боради. Бу жараён, айти пайтда, ўрганилиши талаб қилинаётган бадий асарни ҳар томонлама таҳлил қилишни тақозо этади. Бадий асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонларнинг характер-хусусиятларини, туйғуларини чуқур мулоҳаза қилган ҳолда таҳлил қилиш асносида ривожланади. Бу жараёнда ўқувчилар эътибори бадий асар қаҳрамонлари, уларнинг тутумларига танқидий баҳо беришга асос бўладиган далилларга қаратилади. Шундан кейин ўқувчилар аниқланган далиллар ва чиқарилган ҳукмларни ўзаро қиёслайдилар. Шу тариқа асар қаҳрамонлари шахсиятини танқидий баҳолашга асос бўладиган фикрлар йиғиндиси вужудга келади.

Тадқиқотчи Д. Халперннинг<sup>12</sup> таъбирича: “Танқидий тафаккур –инсоннинг очиқ фикрлаш тарзи” ҳисобланади. Танқидий тафаккур эгаси ҳеч қачон қотиб қолмайди. У ўз ғоялари ва қарашларини ҳаётий тажрибалари асосида бойитиб боради. Айнан шу жиҳати билан танқидий тафаккур ижодий тафаккурдан фарқ қилади. Танқидий тафаккур ижодий тафаккурнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларда 14–16 ёшда фалсафий фикрлаш жараёни бошланади. Бу жараёнда уларда бадий асар қаҳрамонларининг мураккаб ички оламини билишга нисбатан кучли қизиқиш вужудга келади. Бадий асар қаҳрамонларининг дунёқарашлари, маънавий-ахлоқий сифатларини тушуниш иштиёқи кучаяди. Худди мана шу даврда 5–9-синф ўқувчиларида ўз ҳаётий истикболларини белгилаш кўникмаси шаклланади. Бунда ўқилган бадий асар асосида туғилган фалсафий фикрлар муҳим ўрин эгаллайди. Мисол тариқасида Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарига мурожаат қилиш ўринлидир<sup>13</sup>. Ўқувчилар ўз нуқтаи назарларидан ёндашган ҳолда бадий асар қаҳрамонларига баҳо берадилар. Уларнинг ушбу баҳоларидан келиб чиққан ҳолда, бадий асарни ўрганишга оид

<sup>12</sup> Халперн Д. Психология критического мышления. – С-Пб.: Питер, 2000. – 512 с.

<sup>13</sup> Q. Yoldoshev va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2017. – 251–298-b.

синфлараро дарслар туркум шаклда лойихалаштирилиши керак. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарини ўрганиш жараёнида мазкур туркумдаги биринчи дарсда барча машғулотларда амалга ошириладиган иш режаси ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тақдим этилиши лозим. Романни ўқиш давомида улар жавоб топишлари лозим бўлган саволлар ўқитувчи томонидан ўқувчиларга тарқатилади. Жумладан, асардаги бош қаҳрамонларнинг тавсифи, мазкур тавсиф ўз ичига нималарни қамраб олиши лозимлиги, яъни тавсиф модели, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос жиҳатларини топиш лозимлиги, бу сифатларни ифодаловчи фикрлар тузиш зарурлиги, шу асосда кроссвордлар тузиш, адабий викториналар ташкил этиш, асарнинг бош қаҳрамонлари суратларини чизиш, улар қиёфасини тасвирлаш каби вазифалар қўйилади. Мазкур романни ўрганишга бағишланган охириги дарсда эса ўқувчилардан асарнинг бош қаҳрамонларига тавсифномалар ёзиш ва уларга танқидий баҳо бериш талаб этилади. Демак, ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаш – уларни фаоллаштиришнинг муҳим шартидир. Улардан қаҳрамонларга нисбатан ўзларининг турли нуқтаи назарларини баён қилишлари талаб этилади. Мазкур дарснинг марказий саволи асар қаҳрамонлари “Ўз мақсадларига эришиш учун қандай йўл танлашлари лозим эди?” деган савол бўлиши мумкин. Ўқувчилар асар қаҳрамонларининг ҳар бирини таҳлил қилиш асосида маърузалар тайёрлашлари ва шу асосда синфдошларини баҳсга чорлашларини талаб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай дарсларда видео материаллар, “Меҳробдан чаён” асари асосида ишланган кинофильмлардан лавҳалар танлаб олиниб, фойдаланиш айтилиши муддаодир. Бундай усуллар ўқувчиларда романга нисбатан қўшимча қизиқишларини шакллантиради. Ўқувчилар олдида романдан ва кинофильмдан Анвар ҳамда Раънонинг характериға хос бўлган лавҳаларни танлаш ва изоҳлаб бериш ҳақида топшириқлар қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсларда ўтиладиган адабий асарлар юзасидан спектакллар қўйиш ёки видеофильмларни биргаликда кўриш, улар асосида баҳс-мунозаралар уюштириш, сахна кўринишларини ҳамкорликда таҳлил этиш ҳам ўқувчиларнинг танқидий тафаккурларини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бундай дарсларнинг асосий мақсадларидан бири – ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятлари, нутқларини ривожлантириш, тасаввурлари ва идрокларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, дидактик таҳлил кўникма ва малакаларини фаоллаштириш, мунозараларда иштирок этиш тажрибасини эгаллашларига кўмаклашишдан иборатдир.

Бадий асарни ўқиш жараёнида ўқувчилар қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини чуқур ҳис этишга муваффақ бўладилар. Нафақат ўқувчиларнинг ёши ва тажрибаси, балки индивидуал имкониятлари ҳамда ўзига хос лаёқатлари ҳам адабиёт дарсларида ўқитувчилар томонидан алоҳида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари уларнинг маънавий,

ахлоқий, интеллектуал, иродавий, ҳиссий сифатлари йиғиндисидир. Бу ўқувчиларни бир-биридан ажратиб туради.

Маълумки, ҳар бир шахснинг ривожланишида умумийлик ҳамда ўзига хослик кузатилади. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқалардан ажралиб турадиган сифатларини яхши билишлари ва ўқув жараёнини ташкил этишда буни алоҳида ҳисобга олишлари лозим.

Ўқувчилардаги тартиблилик, аниқлик, муайян вазиятларда тўғри ва тез йўналиш ола билиш каби сифатларга индивидуал ёндашиш ниҳоятда зарур. Бунда фаолият маромини ҳисобга олиш талаб этилади. Чунки синфдаги бир ўқувчи топшириқларни тезкорлик билан бажарса, иккинчиси секин ҳаракат қилиши мумкин. Айтиб ўтиш керакки, синфдаги ўқувчилар ҳам интеллектуал ривожланиш даражаларига кўра бир-бирларидан кескин фарқ қиладилар. Бу уларнинг кузатувчанликлари, хотиралари, идрок ва тасаввур этиш даражалари, мойилликлари, қизиқишлари, ижодий лаёқатларида яққол намоён бўлади. Шу жиҳатдан ўқувчиларнинг бадий асарни идрок этишлари ва унинг қаҳрамонларига танқидий баҳо бериш имкониятлари ҳам турличадир. Бунда қуйидаги уч асосий ҳолатни кузатиш мумкин: биринчи ҳолатда кўргазмалар ва образли вазиятларни идрок этиш лаёқати намоён бўлади; иккинчи ҳолатда ўқувчилар асар матни ва унинг қаҳрамонлари нутқига хос бўлган сўзлар, тушунчалар, иборалар ҳамда асар матнининг мантикий асосларини идрок этадилар; учинчи ҳолатда уларнинг ҳар иккаласи аралаш тарзда учрайди.

Шунингдек, ўқувчиларда бадий образларни ҳукмлар ва ҳиссий кечинмаларга асосланган ҳолда идрок этиш жараёни кузатилади. Дастлабки ҳолатда ўқувчилар бадий асар қаҳрамонлари ҳақидаги тавсифнома ва матнлар режасини осонгина тузадилар, яқунловчи назорат ишларида фаол иштирок этадилар. Бироқ, улар матн доирасида берилган топшириқлар устида самарали ишлай олмайдилар ва бадий бўёққа эга бўлган сўзларни тушунишга қийналадилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб ўқувчилар бадий матн устида алоҳида қизиқиш билан ишлайдилар, асар муаллифи томонидан қўлланилган тасвирий воситаларнинг мазмун-моҳиятини англайдилар. Бироқ, улар режа тузиш, хулосалар чиқаришда бир қадар қийналадилар.


Ўқитувчи ҳар бир синфдаги ўқувчилар билан уларнинг билиш фаолияти ва билим даражасидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда ишлаши лозим бўлади. Бунинг учун ўқитувчидан уларга тақдим этиладиган индивидуал топшириқларни тўғри тақсимлай олиш талаб этилади. Шу билан бир қаторда, ўқитувчилар ўқувчиларнинг билиш лаёқатлари, иқтидорлари ва қизиқишларини тўғри йўналтира олишлари ҳам талаб этилади.

Умумтаълим мактаблари 7-синф ўқувчиларининг танқидий тафаккурини ривожлантириш, шу асосда уларни бадий асарлар қаҳрамонларини баҳолашга йўналтириш орқали инсонни англашга ўргатишда Абдулла Қодирийнинг

«Меҳробдан чаён» романидан фойдаланиш мумкин. Мазкур дарснинг таълимий мақсадини: а) асар ҳақида тушунчалар бериш; б) ўқувчиларни асар қаҳрамонларини шахсий сифатларини танқидий баҳолашга ўргатиш; дарснинг тарбиявий мақсадини: а) ўқувчиларда шаснинг яхши сифатларини улуғлаш, аждодлар ўғитлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш; б) шахснинг инсоний сифатларини тўғри баҳолаш орқали ўқувчиларда инсонга ихлос ҳиссини пайдо қилиш; дарснинг ривожлантирувчи мақсадини эса: а) тарбияланувчиларнинг танқидий ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш; б) асар қаҳрамонларидаги шахсий сифат элементларини фарқлаш, воқеликни тушуна олиш кўникмаларини шакллантириш, тарзида белгилаш мумкин.

Мазкур дарсни юқоридаги мақсадларга мувофиқ ташкил этишда “Венн диаграммаси”дан фойдаланиш мумкин.

Мазкур асар устида ишлашда вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида асардан олинган парчани ўқиб келиш ўқувчиларга олдиндан уй вазифаси сифатида топширилади. Дарсда “Венн диаграммаси” стратегияси методи ёрдамида иш олиб борилади. Ушбу стратегия ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Айни замонда, ўқувчиларни танқидий-мустикал мулоҳаза юритишга, адабий қаҳрамонлар тимсоли мисолида инсонни, қолаверса, ўзлигини кашф этишга ўргана борадилар. Ёзув тахтаси ўзаро тенг бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка қуйидаги схема чизилади:



Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган, ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Синф ўқувчиларини уч гуруҳга бўлинадилар, ҳар бир гуруҳга ўзлаштирилаётган мавзу юзасидан алоҳида савол-топшириқлар берилади.

1-гуруҳга:

1. Романда Анварнинг тadbиркорлиги қайси ишларида кўринади?
2. Анвар билан Худоёрхон ўртасидаги олишувда ким ғолиб чиқди?
3. Раённинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?
4. Унинг жасорати нимада кўринади?

5. Асар қахрамонлари характерида умуминсоний ҳамда миллий хусусиятлар қай тарзда намоён будади?

2-гурухга:

1. Раънонинг бошқа қизларга ўхшамайдиган даражадаги жасурлиги ва ҳамма аёллар каби-ҳиссиётга мағлублигини қандай изоҳлайсиз?
2. Ўрдадагилар нима учун Султоналининг нажот топишига ишонмасдилар?
3. Асар қахрамонларининг кўркуви ва жасоратини нималарда кўрасиз?
4. Улар нимадан кўркқан эдилар?
5. Кўркув қахрамонлар ҳаётида қандай бурилиш ясади?

3-гурухга:

1. Сиз мулла Абдурахмонга қандай баҳо берасиз?
2. Асар қахрамонлари сизда қандай таассурот қолдирди?
3. Сизнинг таассуротларингиздаги турли-туманликнинг сабаблари нимада?
4. Сиз ўзингизни қайси қахрамонлар ўрнига қуя оласиз ва нима учун?
5. Ёзувчининг мақсади нимадан иборат?

Ўқувчилар ушбу саволларга жавоб беришади, сўнгра гуруҳ аъзолари орасидан лидерлар танланади. Лидерлар гуруҳ аъзолари томонидан билдирилган фикрларни умумлаштириб, ёзув тахтасида акс этган диаграммани тўлдирадилар. Топшириқ якунида ўқувчиларнинг умумий хулосалари эшитилади, муносиб баҳоланади.

Дарсда вақт ортиб қолса ўқувчиларга “Видеотопишмоқ” бериш мумкин. Маълумки, сўнги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалари (компьютер, телевидения, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёнини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида таълим жараёнининг ташкил этишида турли ахборот воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш вазифаси турибди. Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқувчилар эътиборига ўрганилаётган “Меҳробдан чаён” асарининг кинофильмидан лавҳалар овозсиз намоёиш этилади. Ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайдилар. Жараёнларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этадилар, Ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтарадилар.

Саволларга тўғри жавоб берган, дарсда фаол иштрок этган ўқувчилар баҳоланадилар.

Уйга вазифа сифатида “Мен севган қахрамон” ёки “Менда нафрат уйғотган қахрамон” мавзуларидан бирида иншо ёзиб келишни топшириш мумкин.

VII синф ўқувчилари билан ўтказиладиган таҳлилий суҳбатлар уларни бадий асар қахрамонлари оламига олиб киришни назарда тутди. Бунда ёзувчи таржимаи холи ва у яшаган даврнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослигига алоҳида эътибор



қаратиш лозим. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил тарзда танқидий фикрлашлари учун кенг йўл очиб бериши керак бўлади.

Қиёсий характердаги суҳбатлар ҳам ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатишда муҳим ўрин эгаллайди. А. Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган “Қўрқинч бир жасорат” парчасида<sup>14</sup> асар қаҳрамонларига қиёсий, танқидий баҳо бериш жараёнини ташкил этиш мумкин. Жумладан ўқувчиларга қуйидагича саволлар билан муносабат қилинади:

1. Асар қаҳрамонларининг кўрқуви ва жасоратини нималарда кўрасиз? Анвар, Раҳно ва Султоналига хос бўлган шу икки сифат уларнинг қайси хатти-ҳаракатларида ўз аксини топган, сизнингча?

2. Қўрқув қайси қаҳрамон ҳаётида қандай бурилиш ясади? Буни асар матнига таянган ҳолда асослаб беринг.

3. Раънонинг хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз? Унинг тутуми, сизнингча, тўғрими? Фикрингизни асосланг.

4. Раънонинг жасоратини Сиз нимада кўрдингиз? Унга ўз муносабатингизни билдиринг.

5. Раъно ва Анварнинг хатти-ҳаракати ўша давр муҳитига нисбатан қандай баҳоланади? Бугунги кун учунчи? Қарашларингизни далиллашга ҳаракат қилинг.

6. Асар қаҳрамонлари характеридаги умуминсоний ҳамда миллий хусусиятлар қай тарзда намоён бўлган, сизнингча?

7. Асар қаҳрамонлари Анвар, Раъно ва Султонали ўз характери билан сизда қандай таассурот қолдирди? Таассуротларингизни асослашга ҳаракат қилинг.

8. Бир-бирингизнинг таассуротларингиздаги турли-туманликнинг сабаблари нимада? Бу сизларнинг характерингизга хос бўлган қандай сифатлардан далолат беради деб ўйлайсиз?

9. Сиз ўзингизни тафтиш қилинг. Сиз табиатан қайси қаҳрамонга ўхшайсиз? Хулосаларингизни далилланг.

10. Асар қаҳрамонларининг ҳар бири ёзувчи маҳоратининг маҳсули эканини биласиз. Унинг мақсади нималардан иборат бўлиши мумкин, сизнингча?

Ўқитувчи таҳлил асосида баҳс-мунозали вазиятларни ҳам вужудга келтира олиши керак бўлади. Ўқувчиларда асар қаҳрамонларига танқидий баҳо бериш кўникмасини муваффақиятли шакллантиришда ўқитувчиларнинг таҳлилий суҳбатлар ва мунозаралар жараёнини қатъий мантиқий изчиллик асосида ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эга. Бунда бутун эътибор таҳлил қилинаётган бадиий асар қаҳрамонларига қаратилиши талаб қилинади. Ўқитувчилар ўқувчиларни

---

<sup>14</sup> Yoʻldoshev Q. va bq. Adabiyot. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: «Sharq», 2017. – 291–298-b.

танқидий фикрлашга ундаш учун дастлаб уларга мустақкам билим ва фаолиятда ҳамда фикр айтишда мустақилликни қарор топтиришлари керак бўлади. Ўқувчиларнинг сўз бойлиги ва бадий асарни таҳлил қилиш кўникмалари ҳам бадий асар қаҳрамонларига баҳо беришда қимматли аҳамиятга эга. Ўқувчилар бадий асарда тасвирланган воқеликни ҳаққонийлик нуқтаи назаридан таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар. Шу билан бир қаторда улар асар қаҳрамонлари ёрдамида жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни англашга муваффақ бўладилар, унинг тараққиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бир сўз билан айтганда, ўқувчилар давр руҳини идрок этадилар. Бунда ифодали ўқиш, такрор ўқиш, бадий асар ҳақида суҳбатлашиш, қиёсий таҳлил методлари муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг учун ўқувчилар адабиёт назариясини ҳам чуқур ўзлаштиришлари талаб қилинади. Улар қаҳрамонларга танқидий баҳо беришлари учун асарнинг жанр хусусиятларини ҳам билишлари тақозо этилади.

Ўқувчиларда танқидий баҳолаш кўникмасини шакллантириш учун режали тарзда адабиёт дарсларида сюжетли матнлар, ҳикоялар, эртаклар ёзиш ҳақида топшириқлар бериш ўринли бўлади. Айниқса, бадий матн яратиш ҳақидаги топшириқлар муҳим аҳамиятга эга. Бундай топшириқлар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши билан бир қаторда, уларда танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантириш нуқтаи назаридан жуда фойдали ҳамдир. Шу билан бир қаторда, бундай топшириқлар аксарият ўқувчиларда бадий асарларни чуқур ўзлаштириш, уларни таҳлил қилишга қизиқиш уйғотади. Бу, албатта, танқидий фикрлашнинг бир кўриниши бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув-билув фаоллигини ривожлантиради.

## MUNDARIJA

<i>Hilola Umarova. Tabrik soʻzi</i> .....	5
<i>Б. Карим. Абдулла Қодирий: “Жасорат айб эмас”</i> .....	7
<i>Минҳожиддин Мирзо. Абдулла Қодирий ва Чингиз Айтматов: муштарак туйғулар</i> .....	11
<i>Р. Ниёзметова, А. Болтаева. Бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатишда қодирий ижодидан фойдаланиши</i> .....	21
<i>N. Yuldasheva. Abdulla Qodiriy publitsistikasi - taʼnaviy jasorat</i> .....	28
<i>Ҳ. Ҳамроева. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида санъатга оид терминлар тадқиқи</i> .....	31
<i>S. Ziyotova. “Mehrobdan Chayon” asarida qoʻllanilgan frazeologik birliklarning lingvokulturologik xususiyati</i> .....	37
<i>M. Tursunboyeva. The use of the communicative language teaching approach to improve students’ speaking skills</i> .....	40
<i>Ш. Наралиева, С. Ғаниев, Ҳ. Ҳамроева, Абдулла Қодирий ижодининг қозогистонда ўрганилиши</i> .....	42
<i>Н. Пирматова. “Ўткан кунлар” романидаги “Наво” куйи” ҳақида</i> .....	48
<i>M. Boqixonova. Abdulla Qodiriyning “Oʻtgan kunlar” asarini zamonaviy metodlar asosida oʻrganish</i> .....	53
<i>Z. Usmonova. Abdulla Qodiriyning tarjimonlik mahorati</i> .....	59
<i>N. Kudratxodjayeva Oʻzbek romanchiligi ibtidosi</i> .....	63
<i>D. Usmanova. Abdulla Qodiriy adabiy merosida oʻzbek adabiy tilining tasvir va ifoda imkoniyatlari</i> .....	67
<i>D. Usmonova. Abdulla Qodiriyning “Oʻtgan kunlar” romanini tahliliy oʻrganish</i> .....	73